

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc  
27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

---

**УРАЗАЛИЕВ КАМОЛИДДИН ТАЖИКУЛОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА УНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Уразалиев Камолиддин Тажикулович**

Электрон тижорат ва уни солиққа тортиш масалалари..... 3

**Уразалиев Камолиддин Тажикулович**

Электронная коммерция и вопросы ее налогообложения..... 30

**Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich**

Electronic commerce and issues in taxation ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc  
27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

---

**УРАЗАЛИЕВ КАМОЛИДДИН ТАЖИКУЛОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА УНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.3.PhD/Iqt724 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошматов Шухрат Амонович**  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Тўраев Шавкат Шухратович**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н.Қўзиёв**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, и.ф.н.,  
доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электрон тижоратнинг “ҳозирги кундаги кўлами 2,8 трлн. АҚШ доллари ва ўсиш суръатлари 20-25 фоизни ташкил этмоқда”<sup>1</sup>. Унинг ўзига хос устунликларини эътироф этган ҳолда, бундай жадал ривожланиш талаб даражасидаги молиявий назоратни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар билан ҳам боғланмоқда. Электрон тижорат кўламининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши глобал Интернет тармоғида электрон тадбиркорлик фаолияти юритилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи мазкур тижорат субъектларини самарали солиққа тортиш механизмини шакллантириш давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўсиши билан бевосита боғлиқ муҳим масалалардан бири эканлигини намоён этмоқда. Тараққий этган ёки жадал ривожланиш йўлига мўлжал олган қатор мамлакатларда қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар аксарият ҳолатларда мазкур мамлакатларда ахборот ва Интернет технологияларининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланаётган жараёнда электрон тижорат фаолиятини самарали солиққа тортиш сиёсатини шакллантириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларини баҳолаш ва замонавий ахборот технологиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланиш кўламини ошириш тадбирларида ҳамда жаҳон солиқ амалиётида электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда электрон тижорат субъектларини солиққа тортишнинг самарали моделлари, уларнинг қиёсий кўрсаткичлари тизими, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари масалалари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, дунёда электрон тижорат шиддат билан ривожланаётганлиги, солиққа тортишдаги ёндашувлар турлича эканлиги, солиққа тортишда соҳа хусусиятлари инобатга олинмаганлиги “хуфёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келаётганлиги”<sup>2</sup>, ушбу соҳада солиқ назоратининг самарадорлиги паст эканлиги мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган масалалар электрон тижорат фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни чуқур илмий таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортиш тартиби солиққа тортишнинг умумий тамойиллари шаклланиб, амалиётга босқичма-босқич қўлланилиб келинаётган жараёнда электрон тижоратнинг қайси ҳудудда фойдаланилиши, электрон савдо географияси, истеъмолчи-харидорларнинг саводхонлиги каби хусусиятлар инобатга олиниши муҳим ҳисобланади. Бу борада солиққа тортиш тизими орқали “электрон тижорат соҳасидаги

<sup>1</sup> We Are Social халқаро агентлигининг йиллик ҳисоботи. <https://wearesocial.com/global-digital-report-2019>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3724-сон қарори.

тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни”<sup>3</sup> рағбатлантириш, Интернет тармоғида маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажмини камайтириш, шунингдек, ушбу “соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб қилиш”<sup>4</sup> энг муҳим шартлар ҳисобланади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида электрон тижорат аҳамиятининг ошганлиги Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзуси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилиши нуқтаи-назаридан долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электрон тижорат ва уни солиққа тортиш масалалари маълум даражада маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида акс этган. Иқтисодий билимлар соҳасининг бир йўналиши сифатида электрон тижоратнинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши масалалари хорижий олимлардан П.Гари, Д.Козье, К.Пейтел, А.Саммер, Н.Териз, М.Хейг, Д.Эймор ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган<sup>5</sup>. Миллий иқтисодчи-олимлардан Б.С.Ахраров, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмурадов, С.С.Ғуломов, Н.С.Касимова, А.Т.Кенжабаев,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3724-сон қарори.

<sup>4</sup> Яна ўша манбадан.

<sup>5</sup> Козье Д. Электронная коммерция. Пер. с англ. - Москва: Издательско-торговый дом “Русская Редакция”, 1999. - 288 с.; Териз Н. The impact of e-commerce on international trade and employment. - Procedia - Social and Behavioral Sciences, 2011.- p.251; Хейг М. Основы электронного бизнеса / Хейг М. - М.: ФА-ИП-Пресс, 2002.-386 с.; Эймор Д. Электронный бизнес: эволюция или революция / Эймор Д. [пер с англ] -. М.: Издательский дом “Вильямс”, 2001 - 752 с.; Саммер А., Дункан Г. Электронная коммерция. Маркетинг.: Пятая волна, М., 1999.-325 с.; Пейтел К. Секреты успеха в электронном бизнесе /; Пейтел К., Маккартни М. П. [пер с англ, под ред. Г. С. Осипова] -. СПб.: Питер, 2001 - 120 с.

Б.Ю.Ходиевлар тадқиқот ишларида электрон тижорат ва уни юритишнинг айрим хусусиятлари ўрганилган<sup>6</sup>.

Электрон тижоратни солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий мутахассислар, хусусан, А.Кренсел, Ж.Четкути, В.Танзи, Р.Дернберг, К.Фриден, Д.Хардест, Д.Роберт томонидан илмий ишларида қисман тадқиқ қилинган<sup>7</sup>.

Россия иқтисодчиларидан С.К.Ильичев, А.В.Корень, И.П.Мелешенко, А.А.Тедеев, Л.В.Фролова, Р.Е.Хуснетдиновларнинг илмий ишларида электрон тижоратни солиққа тортиш масалалари айрим давлатлар мисолида тадқиқ этилган<sup>8</sup>.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан М.И.Алимардонов, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Т.С.Маликов, Ш.А.Тошматов, Б.Тошмуродова, Б.Р.Санақулова, Н.Х.Ҳайдаровлар солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларида электрон тижоратни солиққа тортишга тааллуқли масалаларнинг маълум жиҳатлари ўрганилган<sup>9</sup>. Шунингдек электрон тижоратни халқаро солиққа тортишнинг ўзига хос томонлари З.Абдуллаев, Ф.Ш.Шамсутдиновлар томонидан тадқиқ этилган<sup>10</sup>.

<sup>6</sup> Гуломов С.С. ва бошқалар. “Иқтисодий информатика”. -Т. “Ўзбекистон”, 1999.-528 б.; Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. “Экономическая информация: классификация, коммерческая тайна и информационная безопасность”. -Т., “Фан”, 2002.-412 б.; Бегалов Б.А. Технология процессов формирования информационно-коммуникационного рынка. Монография.-Т.: Фан, 2000. -126 с.; Касимова Н.С., Мухторова У.К.. Малый бизнес и частное предпринимательство. Учебное пособие.-Т.: ТФИ, 2019.-180 с.; Кенжабаев А.Т. ва бошқалар. Электрон бизнес асослари: Ўқув қўлланма. - Т. “Иқтисод-молия”, 2008. - 276 б.; Бекмурадов А.Ш., Мусалиев А.А. Информационный бизнес: Учебное пособие. Т.: “Алоқачи”, 2007.-320 с.; Ахраров Б.С. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. -Т.: “Фан ва технология”, 2018.- 316 б.

<sup>7</sup> Krensel A. VAT Taxation of E-Commerce. Dissertation in partial fulfillment of the requirements for the degree of Masters of Law at the University of Cape Town. 2004.-p.57.; Chetcuti J.- Ph. Taxation of e-commerce: The Challenge of e-commerce to the Definition of a Permanent Establishment: the OECD's Response, 2002.-p.78; Tanzi V. Globalization and the Work of Fiscal Termites. Finance&Development. A quarterly magazine of the IMF. March 2001, Volume 38, Number 1.; Doernberg R.L. International Taxation in a Nutshell (Nutshells) 11th Edition Paperback – 2008.-p.215; Frieden K. Cybertaxation: The taxation of e-commerce, p.300–16 (2000); Hardesty D. Electronic Commerce: Taxation and Planning, (Warren Gorham & Lamont, Dec. 99); Agrawal, David Robert and Fox, William F., Taxes in an E-Commerce Generation (August 17, 2016). CESifo Working Paper Series No. 6050.; Gary P. Electronic Commerce, Ninth Edition, Schneider, Ph.D., CPA. Printed in the United States of America, 2011. С. 4.

<sup>8</sup> Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.-146 с.; Ильичев С.К. Особенности налогообложения в сфере электронной коммерции. - М.: Маркет ДС, 2004. - 188 с.; Хуснетдинов Р.Е. Налогообложение реализации услуг в сфере электронной предпринимательской деятельности: автореферат на соискание к.э.н. - М.: 2014. - 25 с.; Фролова Л.В. Налогообложение электронной торговли: автореферат на соискание к.э.н. - Саратов.: 2009. - 20 с.; Тедеев А.А. Правовые проблемы налогообложения субъектов электронной экономической (хозяйственной) деятельности : автореферат на соискание к.ю.н. - М.: 2003. - 25 с.; Мелешенко И.П. Актуальные правовые проблемы международного налогообложения электронной коммерции : автореферат на соискание к.ю.н. - М.: 2008. - 22 с.

<sup>9</sup> Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.-Т.: “Шарк”, 2009.-448 б.; Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. Монография.-Т.: “Молия”, 2012.-160 б.; Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири.-Т.: ТМИ, 2003.-233 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.-Т.: Академия, 2002.-204 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2003.-34-б.; Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. -Т.: ТМИ, 2004.-135 б.; Санақулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Монография./ -Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2014. 252 бет..

<sup>10</sup> Ф.Ш.Шамсутдинов, Ш.Ф.Шамсутдинова. Чет мамлакатлар солиқ тизими (Дарслик).-Т.: “Фан ва технология”-2011.-508 б.; Абдуллаев З. Проблемы налогообложения в условиях развития электронной коммерции // <https://finance.uz>.

Лекин юқорида келтирилган муаллифлар Ўзбекистонда электрон тижорат ва уни солиққа тортиш масалалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳамда халқаро тажриба яхлит тизимли тарзда тадқиқ этилмаган ва уларни такомиллаштириш юзасидан концептуал таклифлар ишлаб чиқилмаган. Юқоридагиларга кўра электрон тижорат соҳасида солиққа тортиш муаммоларини ҳал этиш масалаларини ўрганиш ҳамда амалдаги солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиши билан узвий боғлиқликда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда электрон тижорат субъектларини солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

солиққа тортиш мақсадларида “электрон тижорат” тушунчаси мазмун-моҳиятини аниқлаш, унинг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ҳамда ролини очиқ бериш;

электрон тижоратни солиққа тортишнинг тамойилларини тадқиқ этиш;

амалдаги электрон тижоратни солиққа тортиш тизимини таҳлил этиш;

электрон тижоратни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибаси ва уни ривожланиш анъаналарини ўрганиш;

электрон тижоратни солиққа тортиш муаммоларини тадқиқ этиш;

электрон тижоратни солиққа тортишнинг халқаро илғор тажрибасини тадқиқ этиш ва Ўзбекистонда уни қўллаш имкониятларини кўрсатиб бериш;

электрон тижоратни солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** электрон тижорат фаолияти субъектлари ва давлат бюджети ўртасидаги молиявий муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, қиёслаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистика ҳамда иқтисодий таҳлил усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

электрон тижоратда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришни солиққа тортиш тизими орқали рағбатлантириш таклиф этилган;

солиққа тортишда электрон тижорат субъектлари тоифасига киритиш мезонлари электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматлари асосида такомиллаштирилган;



электрон тижорат соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектларга пасайтирилган солиқ ставкаларини жорий этиш асосида ягона солиқ тўлови тўлаш таклиф этилган;

электрон тижоратни ривожланишини мақсадли таҳлилини электрон тижорат соҳасидаги субъектларнинг фаолиятини баҳолаш ва самарадорлигини тизимли ўрганиш реестрида юритиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электрон тижорат тушунчаси талқинига аниқлик киритилган;

электрон тижоратни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари аниқланган;

электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятлари негизида уни солиққа тортиш тартибини белгилаш асосланган;

хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон мисолида электрон тижоратни солиққа тортишда мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларнинг ечими келтирилган;

электрон тижорат субъектларини солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантириш юзасидан таклифлар тавсия этилган;

халқаро тажриба асосида электрон тижоратда солиқ назоратининг самарали шакллари таклиф этилган;

электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш тизими орқали рағбатлантириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, шунингдек тегишли ташкилотлар ҳисоботларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан электрон тижорат фаолиятини солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали электрон тижоратни янада ривожлантириш ҳамда ушбу фаолиятни легаллашувига хизмат қилиши билан белгиланади. Диссертация тадқиқот натижалари давлатнинг электрон тижоратни солиққа тортиш борасидаги солиқ сиёсатини ўтказиш учун асос сифатида хизмат қилиши ҳамда солиққа тортиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Электрон тижорат ва уни солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар

асосида:

электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни солиққа тортиш тизими орқали рағбатлантириш юзасидан, хусусан, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган субъектларга солиққа тортишда енгиллаштирилган тартибни жорий этиш бўйича таклиф, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 30 июлдаги 19-22470-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар учун енгиллаштирилган тартиб бўйича ягона солиқ тўлови тўлаши белгиланди;

солиққа тортиш мақсадида электрон тижорат субъектлари тоифасига киритиш мезонларини аниқлаштириш ва белгилаш юзасидан таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 30 июлдаги 19-22470-сон маълумотномаси). Натижада товар(хизмат)ларни электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотилган товарлар(хизматлар) ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этувчи, шу жумладан, электрон тижоратда электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлар электрон тижорат субъектлари тоифасига киритилди;

солиққа тортиш тизими орқали электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш юзасидан, хусусан, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган субъектларга пасайтирилган солиқ ставкаларини жорий этиш бўйича таклиф, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 30 июлдаги 19-22470-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар учун 2 фоизли ставкада ягона солиқ тўлови белгилаш имконияти яратилган;

электрон тижорат субъектлари фаолиятини самарали ўрганиш мақсадида Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрини яратиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорининг 8-бандига киритилди (Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 30 июлдаги 19-22470-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида электрон тижорат иштирокчилари тўғрисидаги ягона электрон ахборот банкни яратиш, электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатининг тизимли мониторингини олиб бориш ва баҳолаш, шу жумладан, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишнинг самарадорлигини ўрганиш,

электрон тижоратни самарали ривожлантириш учун мақсадли таҳлилни олиб бориш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та, шунингдек, республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда 8 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқ натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Электрон тижорат ва уни солиққа тортишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида электрон тижоратнинг мазмун-моҳияти ва унинг тадрижий ривожланиши, давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими, хусусан, мазкур фаолиятни солиққа тортишнинг назарий асослари, мамлакатимизда электрон тижорат фаолиятини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган. Тадқиқотнинг олдида қўйилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон тижоратни солиққа тортишнинг илмий-иқтисодий асосларига дахлдор назарий хулосалар шакллантирилган.

Ҳозирги кунда жамият тараққиётини молия технологияларисиз тасаввур қилиш мушкул. Тараққий этган ёки жадал ривожланиш йўлига мўлжал олган қатор мамлакатларда қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар аксарият ҳолатларда мазкур мамлакатда ахборот ва Интернет технологияларининг қай даражада ривожланганлиги билан ҳам белгиланмоқда. Шу боис, молия технологияларининг жадал ривожланиши тадбиркорлик фаолиятида ҳам янги муҳит, тартиб-таомил ва усуллар мажмуаси шаклланиши борасида самарали омилларни юзага келтирди. Хусусан, шартнома ва келишувларни ахборот технологиялари тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиш ва электрон тижорат учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда

электрон тижорат глобал Интернет тизимининг ажралмас қисми сифатида тадбиркорлик равнақида муҳим ўрин эгалламоқда.

1-жадвалда келтирилган маълумотларига кўра электрон тижорат барқарор ривожланиб бормоқда, хусусан, 2014 йилда жаҳонда электрон савдо ҳажми 1,34 трлн. АҚШ доллардан ошган бўлса, 2018 йилда дунё бўйича электрон тижорат чакана савдоси 2,8 трлн. АҚШ долларига тенг бўлиб, прогноз кўрсаткичларига кўра электрон тижоратдан олинадиган даромадлар 2021 йилга келиб 4,87 трлн. АҚШ долларга тенг бўлиши башорат қилинмоқда.

**1-жадвал**

**Жаҳонда электрон тижорат айланмасининг амалдаги ва прогноз кўрсаткичлари динамикаси<sup>11</sup>, 2014-2021 йй.**

Сегмент	Йиллар бўйича							
	2014	2015	2016	2017	2018	Прогноз		
						2019	2020	2021
Электрон тижорат айланмаси, трлн. АҚШ долларда	1,34	1,55	1,84	2,30	2,84	3,45	4,13	4,87
Йиллик ўсиш (аввалги йилга нисбатан), фоизда	100	115,7	118,7	125,0	123,4	121,4	119,7	117,9
2014 йилга нисбатан ўсиш, фоизда	100	115,7	137,3	171,6	211,9	257,4	308,2	363,4


Электрон тижорат айланмасининг йиллик ўсиш динамикасини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилган даврда ушбу айланма ўртача 20 фоиз барқарор ўсиш аъанасига эга эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2015 йилда йиллик ўсиш 115,7 фоиз ташкил этиб, номинал миқдори 1,55 трлн. АҚШ доллар бўлган, 2016 йилда йиллик ўсиш 118,7 фоиз ташкил этиб, номинал миқдори 1,84 трлн. АҚШ доллар бўлган, 2017 йилда ўсиш 125 фоизни ташкил этиб, номинал миқдори 2,3 трлн. АҚШ доллар даражасида бўлган ҳамда 2018 йилда аввалги йилга нисбатан 123,4 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Жадвал маълумотларига кўра, 2019-2021 йилларда ҳам халқаро электрон тижорат айланмаси ўсиши башорат қилинмоқда.

2018 йилда умумий электрон тижорат айланмаси миқдори 2014 йилга нисбатан 2 баробардан ортган бўлса, 2021 йилда 2014 йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ортиши прогноз қилинмоқда (1-расм).

2018 йил якунларига кўра, жаҳонда 2,8 млрд. нафар киши Интернет орқали ҳаридни амалга оширган. Бир фойдаланувчи ҳисобига Интернет орқали ҳаридга ўртача сарфланган маблағ 634 АҚШ долларини (ушбу кўрсаткич АҚШда 1932, Буюк Британияда 1639, Жанубий Кореяда 1493 АҚШ доллари) ташкил этиб, 2018 йилда истеъмол товарлари ҳариди учун жами 1,78 трлн.

<sup>11</sup> Statista халқаро статистика онлайн-портали// <https://www.statista.com/>

АҚШ доллари сарфланган (бу кўрсаткич 2017 йилга қараганда 14 фоизга ўсган)<sup>12</sup>.



**1-расм. Жаҳонда электрон тижорат айланмаси ўзгариш тенденцияси<sup>13</sup> (2014-2021 йиллар бўйича, фоизда)**

Электрон тижорат - моҳияти кенг қамровли иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг таркибига: онлайн-савдо, ахборот алмашинуви, электрон банкинг ва суғурта хизматлари, пул ўтказиш ва электрон пул воситалари, электрон маркетинг каби категориялар киради. Электрон тижоратнинг анъанавий тадбиркорлик фаолиятига қараганда бир қанча афзалликлари ва устунликлари мавжуд. Ушбу афзалликлардан манфаат олувчиларга кўра тўртта йўналишга: тадбиркорлик субъектлари, истеъмолчилар, жамият ва умумий иқтисодиёт каби жабҳаларга ажратишимиз мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари электрон тижорат ўз фаолиятини глобал миқёсда олиб бориш, товар(иш, хизмат)лар бозорини кенгайтириш, дўкон очиш, реклама ва хизмат кўрсатиш харажатлари, товар захираларини бошқариш, сақлаш ва ташиш харажатларининг камайиши ҳисобига рақобатбардошликни ошириш, буюртмаларни расмийлаштириш ва бажаришга кетадиган вақт сарфини қисқартириш, ахборот алмашинуви жараёнини тезлаштириш, савдо-сотик фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш, тадбиркорлик субъекти жойлашган ҳудудидан қатъий назар тенг ҳуқуқли маҳсулотни сотиш, етказиб бериш тармоғини яхшилаш, 24/7 тартибда узлуксиз фаолият кўрсатиш, товарни бозорга тез олиб чиқиш, ҳар бир истеъмолчи талабига алоҳида ёндашиш каби имкониятлар ва афзалликларни тақдим этади.

Ўз навбатида истеъмолчилар учун электрон тижорат қулай вақт, жой ва тезликда товар(иш, хизмат)ларни танлаш ва ҳарид қилиш, бир вақтнинг ўзида

<sup>12</sup> We Are Social халқаро агентлигининг йиллик ҳисоботи. <https://wearesocial.com/global-digital-report-2019>

<sup>13</sup> Яна ўша манбадан

бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиш, талабга мувофиқ маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар товарнинг тезкор етказилиши, ҳар қандай ҳудуддан, уйдан чиқмасдан ҳарид қилиш имкониятларини тақдим этиши билан афзалдир.

Электрон тижорат жамиятнинг равнақида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Бу ҳолат иқтисодиёт субъектларининг ўзаро рақобатини кучайтириш, монополиядан чиқариш ва маҳсулотларнинг сифатини ҳамда аҳоли яшаш даражасини ошириш (ахборот технологияларининг қулайликларидан, смарт-технологияли жиҳозлар ва воситалардан фойдаланиши ва бошқалар), тадбиркорликда товар(иш, хизмат)ларни сотиш жараёнида шаффофликни таъминлаш орқали турли коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, иқтисодиётни “рақамлаштириш” жараёнини тезлаштириш каби ижобий таъсирга эгалигида намоён бўлмоқда.

Электрон тижорат нафақат алоҳида тадбиркорлик субъекти ёки истеъмолчига ижобий жиҳатлари мавжудлигида, балки ҳозирги кунда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, электрон тижоратнинг хусусиятларига кўра унинг афзалликлари ва устунликлари билан бирга, қатор камчиликларни ҳам юзага келтиради, хусусан, ҳозирги кунда электрон тижорат давлатлар учун давлат бюджетига солиқ тўловлари бўйича йўқотишларга олиб келаётган муаммолардан бирига айланиб бораётганлигини қайд этиш ўринлидир.

Шу боис, давлатлар олдида миллий солиқ тизимини ҳозирги ахборот иқтисодиёти талабларига мослаштириш юзасидан тегишли чоралар кўриш талаб этилмоқда. Ушбу жараён юзасидан солиқ қонунчилиги электрон тижорат билан шуғулланувчи субъект шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш жараёнини ташкил этишга қаратилган бўлиши керак.

Солиққа тортишнинг классик тамойилларининг барчаси электрон тижоратга ҳам дахлдор бўлиб, миллий солиқ сиёсатини шакллантиришда барча давлатлар учун муҳим асос сифатида қўлланилмоқда. Солиққа тортишнинг ушбу асосий тамойилларини амалда қўлланилиши давлат бюджетига солиқларни тўлаш жараёнида солиқ тўловчилар учун бир хил шарт-шароит яратилишига замин бўлмоқда.

Маълумки солиқлар нафақат давлат бюджетини тўлдириш, балки давлат ва жамиятда иқтисодий ўсишни таъминлаш манбаи вазифасини ҳам бажаради. Кейинги йилларда ахборот коммуникация воситаларининг жамият ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг кириб бориши ҳамда глобаллашув жараёнида Интернет тармоғини электрон тижоратнинг платформаси сифатида шаклланиши барча тармоқлардаги хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ушбу омиллар қатор иқтисодчилар, хусусан, рус олими

Л.Фролова<sup>14</sup> томонидан электрон тижоратнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган замонавий солиққа тортиш тамойилларини белгилаб олиш масалалари илгари сурилган.



2- расм. Электрон тижоратни солиққа тортишнинг замонавий тамойиллари<sup>15</sup>

Электрон тижоратнинг тадбиқ этилиши натижасида олди-сотди келишувларида янги объект, яъни моддий кўринишга эга бўлмаган товарлар (дастурий таъминот, кино, мусиқа, ўйинлар) олди-сотдисининг ҳам ҳажми ортиб бормоқда. Интернет бизнес операцияларни амалга ошириш учун қулай ва чегара билмайди. Лекин ушбу жараёнда қатор муаммолар ҳам юзага келади. Масалан, товар қаердан ва қаерга етказилиши тўғрисидаги маълумотдаги ноаниқликдир. Аксарият ҳолатларда хўжалик субъектлари электрон почта орқали амалга оширилган келишувлар бўйича операцияларда солиқ тўлашни зарур, деб билмайдилар.

Замонамиз иқтисодчи олимлари тадқиқотларида ахборот коммуникация

<sup>14</sup> Ильичев С.К. Особенности налогообложения в сфере электронной коммерции: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Ильичев Станислав Константинович. - М., 2002. - 168 с.

Фролова Л.В. Налогообложение электронной торговли: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Л.В. Фролова. - Саратов. - 2009. - 181 с.

<sup>15</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

воситаларининг ривожланиши ва глобаллашув жараёнлари натижасида электрон тижоратни солиққа тортишнинг замонавий тамойиллари юзага келганлиги таъкидланган (2-расм). Глобаллашув жараёни жамият фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан давлатнинг солиқ тизими ва солиқ сиёсатига бевосита таъсир қилмоқда. Бундай таъсирни ушбу жараён тобора чуқурлашиб бораётганлигида ҳамда янги сифат босқичига кўтарилаётганлигида кузатиш мумкин. Бу борада олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда электрон тижоратни солиққа тортиш амалиётида юзага келган муаммоларни ҳал этиш зарурлиги нуқтаи-назаридан, янги “ахборот хавфсизлиги тамойили” ва “шаффофлик тамойил”лари киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Электрон тижоратнинг устунликлари тадбиркорлик фаолиятининг йўналиши сифатида истиқболга эга эканлигида намоён бўлмоқда. Аммо ушбу устунликлар давлат бюджетида сезиларли йўқотилишларга ҳам омил бўлмоқда. Шу сабабли, глобал Интернет тармоғи муҳитида солиққа тортишнинг мос платформаларини ишлаб чиқиш ва солиқ назоратини автоматлаштиришга қаратилган тамойилларини қўллаш зарурияти сабабли электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уларни солиққа тортишда инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Бундай хусусиятлар сифатида(3-расм):



**3-расм. Электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш хусусиятлари<sup>16</sup>**

- Интернет тармоғи ёрдамида харид қилинган товар(иш, хизмат)лар учун пул тўлови билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун электрон тижорат объекти ва унинг харидорларининг жойлашувида худудий чегаралар йўқлиги;

- ваколатхонанинг номоддийлиги, масалан, Ўзбекистон худудида тижорат операцияларини амалга ошириш учун ташкилотга дунёнинг исталган мамлакатада рўйхатдан ўтган сайтга эга бўлиши кифоя эканлиги, бу эса унинг бевосита Ўзбекистонда фаолият кўрсатиш заруриятини талаб этмаслиги;

- тижорат битимлари сир тутилиши анонимлиги, яъни операцияларнинг асосий тавсифлари (тўлов суммаси, тўловнинг мақсади, тўловни олувчи) учинчи шахслардан, шу жумладан солиқ органларидан ҳам яширинлиги;

- мижознинг анонимлиги, Интернет-савдода товарларга тўловни амалга оширишда шахсни тавсифловчи идентификация маълумотлари нафақат учинчи

<sup>16</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси



томондан, балки битим иштирокчилари томонидан ҳам ёпиқлиги (сотувчи харидорнинг кимлиги, товар нима мақсадда сотиб олинishi, иккинчи томоннинг солиққа тортиш тизими, солиқ реестри ҳам номаълумлиги).

Ушбу хусусиятлар электрон тижорат объектларини солиққа тортишда уни яшириш имкониятларини кенгайтиради, шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи субъектларни солиққа тортиш моделини ишлаб чиқиш, шу жумладан, солиқ назорати тизимини такомиллаштириш борасида уларни эътиборга олиш талаб этилади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Электрон тижоратни солиққа тортишнинг амалий жиҳатлари”** тадқиқ этилган. Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортишнинг амалдаги солиққа тортиш тартиби ва механизми қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга электрон тижоратни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибаси, бугунги кундаги анъаналари қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар мисолида таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда электрон тижорат субъектларни солиққа тортиш жараёни: солиқ тўловларини ҳисоблаш ва ундирилиши умумий тамойиллар асосида амалга оширилиб, ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, фаолиятини яқинда бошлаган айрим тадбиркорлар интернет виртуал-ҳудудида фаолият кўрсатиш гўёки ҳеч кимга ва ҳеч қандай мажбурият юкламайди деган фикрга эга. Вахоланки, Интернет фақат сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида мулоқот усули ҳисобланиб, солиқларни тўлаш мажбуриятини инкор этмайди.

Ўзбекистон солиқ тизимида умумий белгиланган ва соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш тартиблари жорий этилган. 4-расмда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган электрон тижорат субъектлари учун кўзда тутилган солиққа тортиш тартиблари кўриб чиқилди.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солиққа тортиш объектининг мавжудлиги товар (иш, хизматлар)нинг ҳудудий жиҳатдан қаерда амалга оширилаётганига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйилган. Айтиш лозимки, агар товар (иш, хизматлар)нинг реализация қилинган жойи Ўзбекистон ҳудудида бўлмаса, унда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти вужудга келмайди.

Бундай талқинга кўра, агар электрон тижорат субъекти “рақамли” товарларни бошқа мамлакатда жойлашган серверда сақласа ва уларни ўша ердан реализация қилса, у қонуний асосда қўшилган қиймат солиғи тўловидан озод қилинади. Солиқ қонунчилигидаги “рақамли” товарларни сотиш билан боғлиқ электрон тижорат соҳасидаги мазкур бўшлиқ катта капитал қўйилмалар қилмасдан мамлакатимиз солиқ тизимидаги асосий солиқлардан бирини четлаб ўтиш имконини юзага келтиради.

Солиқ қонунчилигига кўра реализация қилинган жойи Ўзбекистон, деб тан олинган электрон хизматлар бўйича электрон каналлар орқали кўрсатиладиган хизматлар экспорт жараёнида солиққа тортилади. Масалан, бу ўринда веб-сайтларни қўллаб-қувватлаш, дастурлар ва қурилмаларни масофадан туриб қўллаб-қувватлаш, дастурий таъминот уларга киритиладиган

янгилашларни етказиб бериш каби хизматларни келтириб ўтиш мумкин. Бу хизматлар уларнинг сотувчиси фаолият кўрсатаётган жойда реализация қилинган, деб ҳисобланади. Мас равишда агар уларнинг миллий ташкилот кўрсатаётган бўлса, улар Ўзбекистон ҳудудида реализация қилинган ҳисобланади ва қўшилган қиймат солиғига тортилади. Бундай хизматларга солиқнинг ноллик ставкаси татбиқ этилмайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари истеъмолчиларига Ўзбекистондан сотувлар амалга оширилганда қўшилган қиймат солиғининг бундай икки мартаб тўланиши ва Европа Иттифоқи мамлакатларидан амалга оширилган сотувларда унинг тўланмаслиги ҳам мумкинлиги Ўзбекистон ташкилотларига ноқулай шароит яратади. Ушбу ҳолатда миллий электрон маҳсулот экспортчи компанияларига нисбатан дискриминация кузатилади, чунки улар ўз истеъмолчиларининг қаерда жойлашганлигини аниқлаш учун серхаражат таҳлил ўтказишлари, шунингдек Европа Иттифоқи мамлакатларидан бирида солиқ ҳисобига ўтиш учун сарф-харажат қилишлари лозим бўлади.



**4-расм. Ўзбекистонда электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш тартиби<sup>17</sup>**

<sup>17</sup> Амалдаги Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шу нуқтаи назардан, электрон тижорат субъектларини солиққа тортишда қўлланиладиган қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ҳозирги вақтда такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек электрон тижорат субъектлари ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси 4 фоиз бўлиб, электрон тижорат субъектларига пасайтирилган 2 фоизли ставка бўйича ягона солиқ тўлови белгиланган. Бунда электрон тижорат билан шуғулланувчи субъект албатта Электрон тижорат иштирокчиларининг Миллий реестрига киритилган бўлиши талаб этилади. Агар электрон тижорат билан шуғулланувчи субъект электрон тижорат иштирокчиларининг Миллий реестри рўйхатидан ўтмаган тақдирда фаолият соҳасига қараб умумбелгиланган тартибда тегишли ягона солиқ тўлови бўйича солиқни ҳисоблайди ва тўлайди.

Бугунги кунда электрон тижорат секторининг жадал ривожланаётганлиги давлатлар олдида, хусусан, Ўзбекистон олдида турган муаммоларни ҳал этишни тақозо қилмоқда. Электрон тижорат субъектларини солиққа тортишда Ўзбекистонда самарали солиққа тортиш механизмини шакллантириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

Жаҳонда электрон тижоратни солиққа тортишдаги ёндашувлар турличадир. Ушбу жараёнда қатор халқаро ташкилотлар: Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти(ИХРТ), БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси ҳамда Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси, Европа иттифоқи комиссияси томонидан ҳам электрон тижорат масалалари ва уни солиққа тортишни мувофиқлаштириш борасида ўрганишлар ўтказилиб, маълум бир даражада умумий қоидалар ишлаб чиқилган ва уларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилган. Халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ўзаро ўхшаш бўлса-да, лекин уларда бир томонлама, яъни ташкилотнинг устувор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганлик кузатилади.

ИХРТ халқаро ташкилоти томонидан электрон тижоратни солиққа тортишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган<sup>18</sup>. ИХРТ халқаро ташкилотининг бош ғояси электрон тижоратни солиққа тортишда солиқ юки бошқа соҳаларга қараганда юқори бўлмаслиги ҳамда солиқ маъмурчилиги жараёни мураккаб бўлмаслигига йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.



### **5-расм. Жаҳонда электрон тижоратни солиққа тортишда юзага келган концепциялар<sup>19</sup>**

5-расм маълумотларига кўра замонавий ахборот технологиялар соҳасида етакчи бўлган ва рақамли маҳсулотлар экспорти бўйича катта салмоққа эга давлатлар электрон тижоратни солиққа тортишда маълум бир енгилликлар, имтиёзлар берилишига ва амалдаги тартибни сақлаб қолиш тарафдори эканлиги намоён бўлади, аксинча, рақамли маҳсулотларни импорт қилувчи давлатлар бюджет йўқотишларини олдини олиш мақсадида электрон тижоратни солиққа тортишдаги бўшлиқларни бартараф қилиш, бюджет ва солиқ манфаатлари нуқтаи назаридан электрон иқтисодий муносабатларни имкон қадар давлат томонидан мувофиқлаштириш, хусусан, уларни рўйхатдан ўтказиш ва солиқ тўлатишга уриниши кузатилмоқда. Жаҳонда электрон тижоратни солиққа тортишда юзага келган яна бир йўналиш қатор давлатларнинг олиб бораётган сиёсати билан бевосита боғлиқ. Албата ушбу жараёнда ҳар қандай давлат ўзи учун мақбул йўл танлашини таъкидлаш ўринлидир. Юқоридаги жараёнларни алоҳида давлатлар мисолида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

### **3-жадвал**

#### **Айрим мамлакатларда электрон тижоратни солиққа тортиш тартиби<sup>20</sup>**

Мамлакатлар	Ички электрон тижорат субъектлари учун	Ташқи электрон тижорат субъектлари учун
АҚШ	Бошқа соҳалар субъектлари каби умумий белгиланган тартибда солиқларни тўлайди. Мазкур соҳага кўшимча солиқ жорий қилинмаслиги қонунан белгилаб қўйилган.	Солиққа тортилмайди.
Европа Иттифоқи	Умумий белгиланган тартиб. ҚҚС ундирилади. Ставкалари 15 дан 25 фоизгача (ЕИга аъзо мамлакатлар бўйича ҳар-ҳил).	Кўрсатиладиган электрон хизматлардан ҚҚС ундирилади. Ставкалари 15 дан 25 фоизгача (ЕИга аъзо мамлакатлар бўйича ҳар ҳил).
Хитой	Махсус қонун қабул қилиниб, унга кўра барча	2000 Хитой юаньгача(308 АҚШ доллар)

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>20</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

	электрон тижорат субъектлари албатта давлат рўйхатидан ўтиши, ушбу тўғрисида электрон сайтда кўрсатилган бўлиши белгилаб қўйилган.	харид қилинган товарлардан божхона ва солиқ тўловлари ундирилмайди. Лимитдан ошган ҳолатда интернет-дўконлар орқали харид қилинаётган товарлардан тегишли божхона божи ва 11,9 фоиз ҚҚС ундирилади.
Россия	Умумий тамойиллар асосида ва мазкур соҳани хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда солиққа тортилади.	Интернет орқали кўрсатилган хизматлар учун 15 фоизли ставка бўйича ҚҚС ундириш белгиланган.
Қозоғистон	Бошқа тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар каби умумий белгиланган қоидалар. Шу билан бирга маълум талабларни бажарган юридик шахслар - корпоратив даромад солиғидан, якка тартибдаги тадбиркорлар - шахсий даромад солиғидан озод этилган.	Кўрсатиладиган электрон хизматлардан 12 фоиз ҚҚС ундирилади.
Беларусь	Алоҳида тартиб йўқ, субъект ихтиёрига кўра ставкаси 3 дан 5 фоизгача бўлган соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби танлаш имконияти бор. Электрон тижоратдаги воситачилик, реклама хизматларидан 20 фоиз ҚҚС ундирилади.	Кўрсатиладиган электрон хизматлардан 20 фоиз ҚҚС ундирилади
Озарбайжон	Умумий белгиланган тартибда солиққа тортиш ёки ихтиёрига кўра соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини танлаш имконияти	Кўрсатилган хизматлардан 18 фоиз ҚҚС ундирилади

Европа Иттифоқида электрон тижорат субъектларини солиққа тортишда ўзига хос махсус ёндашув ишлаб чиқилган. Унинг асоси сифатида ИХРТ халқаро ташкилотининг ишланмаларига мос келувчи қуйидаги тамойиллар белгиланган:

- электрон тижоратни солиққа тортиш учун янги солиқларга зарурат йўқлиги (қўшилган қиймат солиғи етарли эканлиги);
- электрон маҳсулот товар эмас, хизмат сифатида солиққа тортилиши;
- истеъмол учун солиқ истеъмол қилинган жойда ундирилиши лозимлиги кабилар.

Ушбу ёндашув асосида Европадаги электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш тартибига муҳим ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, электрон тижоратда ҚҚС харид амалга оширилган Европа Иттифоқининг мамлакатада ундирилиши белгиланган.

Қатор Европа Иттифоқи давлатларининг (Франция, Швейцария, Германия) ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини юритувчи электрон тижорат субъектларини идентификациялаш механизмини яратишга уринишлари эътиборга лойиқ. Қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритувчиларнинг сайтда рақамли махсус идентификация белгиси мавжуд. Ушбу белги истеъмолчига электрон тижорат субъектининг солиқ органларида қайд қилинганлигини текшириш имконини беради. Мазкур тадбиркорлардан товар сотиб олишда давлат истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатли ҳимоясини таъминлаб беради. Табиийки, тармоқ фойдаланувчилари айнан шундай “таниб олиш” рақами бўлган тадбиркорлардан харид қилишни афзал кўрадилар.

Европа Иттифоқи амалиётининг (Германия, Испания, Италия) бошқа йўналиши Интернетда ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини юритгани учун жорий қилинган юқори жарималар тизимининг жорий қилинганлигидир. Глобал Интернет тармоғида бизнес юритишни назорат қилиш анча мураккаб

бўлганлиги учун тадбиркорлар солиқлардан бўйин товлашга уриниши мумкин, лекин солиқ органлари вакилларининг фикрига кўра, юқори жарималар (хатто компаниянинг барча мол-мулкани мусодара қилишгача) Интернетда ноқонуний фаолият юритаётган ташкилотлар сонининг камайишига таъсир этади.

АҚШ жаҳонда электрон тижоратни ривожланиш даражаси бўйича етакчи ҳисобланади. АҚШда шу кунга қадар бир неча бор махсус қонунлар орқали электрон тижоратни солиққа тортиш масалалари бўйича мораторий жорий қилинган. Ушбу мораторий электрон тижорат субъектларини солиққа тортилмайди дегани эмас, аксинча улар бошқа соҳалар субъектлари каби умумий белгиланган тартибда солиқларни тўлайди, фақат айнан мазкур соҳага кўшимча ҳеч қандай солиқлар жорий қилинмаслиги қайд қилинган<sup>21</sup>.

Хитой ҳам электрон тижорат бозоридаги етакчи ўринлардан бирини эгалайди. Бошқа мамлакатлар каби Хитойда ҳам электрон тижорат субъектлари томонидан солиқни тўлашдан бўйин товлаш муаммоси мавжуд. Ушбу соҳани тартибга солиш мақсадида 2014 йилда Хитойда махсус қонун қабул қилиниб, унга кўра барча электрон тижорат субъектлари албатта давлат рўйхатидан ўтиши, ушбу тўғрисида электрон сайтда кўрсатилган бўлиши лозим. Шу билан бирга Хитойда электрон тижорат соҳасини солиққа тортишда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш устувор вазифа сифатида қаралади.

Учинчи боб **“Электрон тижоратни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган. Электрон тижоратни солиққа тортишни халқаро тажриба асосида такомиллаштириш тамойиллари ўрганилган бўлиб, уни Ўзбекистонда жорий этиш масалалари ўрганилган.

Электрон тижорат фаолиятининг дастлабки шаклланиш босқичида уни ривожлантиришга тўсқинлик бўлмаслиги ва ўсиши секинлашмаслиги мақсадида амалдаги умумий белгиланган тартибдаги солиққа тортиш тизимини сақлаб қолиниши, кўшимча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар жорий қилинмаганлиги, алоҳида солиқ маъмуриятчилиги қўлланилмаганлиги каби ёндашувларда солиққа тортиш борасида эҳтиёткорлик билан қаралган бўлсада, кейинги йиллардаги тижоратнинг бу турдаги жараёни жадал ривожланиши кўплаб мамлакатлар бюджет йўқотишларини олдини олиш нуқтаи назаридан унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш зарурлигини таъкидланмоқда<sup>22</sup>. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда фаолият кўрсатувчи субъектларни солиққа тортиш моделини ишлаб чиқишда, шунингдек, солиқ назорати тизимини такомиллаштиришда юқоридаги омиллар эътиборга олинishi керак.

Интернет техник жиҳатдан солиқ ва уларни йиғиш билан боғлиқ ахборотга эга бўлишни енгиллаштирадиган жараёндир. Лекин солиққа тортиш

<sup>21</sup> Collecting E-Commerce Taxes. URL : <http://www.ncsl.org/research/fiscal-policy/collecting-ecommerce-taxes-aninteractive-map.aspx>.

<sup>22</sup> Кондрашин А. В., Кондрашин В. А. Проблемы налогообложения электронной коммерции на современном этапе // Молодой ученый. - 2018. - №27. - С. 85-87. - URL <https://moluch.ru/archive/213/51957/>.

амалиётида Интернет орқали тижорат олиб бориш қатор муаммоларни ҳам юзага келтиради(6-расм).


Электрон тижоратни солиққа тортиш масаласи халқаро ва мамлакат даражадаги муаммоларни қамраб олади. Халқаро даражадаги муаммолар жумласига: солиқ юрисдикциясини аниқлаш, халқаро икки ёклама солиққа тортиш, солиқ қонунчилиги тизимидаги бўшлиқлар, носоғлом рақобат, мамлакат даражадаги муаммоларга: солиқ тўловчининг солиққа тортиш тартибини (тизимини) аниқлаш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигидаги камчиликлар ва бошқа ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда электрон тижоратни солиққа тортишда қатор қуйидаги муаммолар ҳам юзага келмоқда:

сотувчи харидорнинг мақомини билмайди, хусусан, уни резидент ёки норезидентлиги, юридик ёки жисмоний шахс эканлиги номаълум эканлиги ва бошқалар;

электрон тижоратда кўп ҳолатларда солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган товар реализация қилинган жойни аниқлаш мураккаб, айрим ҳолатларда товар реализация қилинганлиги ёки хизмат кўрсатилганлигини аниқлаштириш ҳам муаммоли (масалан, электрон дастурий маҳсулотлар мисолида). Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу икки объект икки хил солиққа тортилган шароитда ноаниқлик янада кучайиши;

электрон тижоратда харидор товарни қабул қилишдан бош тортган ҳолатларда Интернет орқали амалга оширилган савдони бекор қилинганлигини тасдиқлаш мураккаб бўлганлиги боис, солиққа тортишда муаммолар пайдо бўлиши;



## **6-расм. Электрон тижоратни солиққа тортишда асосий муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар<sup>23</sup>**

электрон тижорат субъектлари одатда солиқни четлаб ўтиш мақсадида бошқа давлатларда жойлашган серверлардан фойдаланади. Лекин шу билан бирга бундай серверлар фаолияти доимий муассаса сифатида эътироф этилиб, электрон тижорат субъектларида ўрнатилган тартибда барча солиқларни тўлаш мажбуриятини юзага келтириши мумкин. Ушбу жараённинг ўзида иккита муаммо юзага келмоқда, давлат учун электрон тижорат субъектларидан белгиланган барча солиқларни ундириш бўлса, электрон тижорат субъектлари учун тўланиши мумкин бўлган солиқ тўловлар ҳажмини аниқ билиш.

Шу билан бирга, мамлакатимизда электрон тижорат ва савдонинг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, мазкур фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг норасмий даромадларини чеклаш мақсадида республикамизда жорий этилган электрон рақам стандартлари асосида масофавий on-line электрон касса машиналарини жорий этиш талаб этилмоқда.

Шу ўринда алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлики, масофавий электрон касса машинасини мамлакатимизда жорий этиш орқали биринчидан республикамизда электрон тижоратни янада ривожлантириш имконияти яратилади, иккинчидан электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорларнинг даромадларини солиққа тортишдаги қатор муаммолар бартараф этилишига омил бўлади.

Иқтисодиётда рақамли товарларни солиққа тортиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан рақамли иқтисодиётда ҳам товарлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиш (сотиш)да божхона тўловлари ундирилиши

---

<sup>23</sup> Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.



лозим. Шунинг қайд этиш керакки, ҳанузгача ушбу товарларнинг ҳаракатини божхона чегараси орқали назорат қилишнинг самарали механизми жаҳон солиқ амалиётида шакллантирилгани йўқ. Хусусан, электрон тижоратда товарлардан бож тўловларини ундириш усуллари хали ишлаб чиқилмаган. Одатда, электрон товарлардан божхона тўловларини ундиришдан воз кечиб келинганлигини божхона назоратини ўтказиш харажатлари бож тўловлари суммаси ҳажмидан юқори эканлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамиятида электрон тижоратни солиққа тортиш борасида умумий ёндашув ишлаб чиқилмаган. Ушбу масала турли давлатларда турли ёндашувлар асосида ечилмоқда, натижада солиқ тўловчи ва солиқ ундирувчиларда маълум бир қийинчиликлар юзага келмоқда. Ташқи электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш муаммолари доимий муассасани аниқлаш билан боғлиқ тўғри солиқлар маъмурчилигида ҳамда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ эгри солиқларда юзага келади.

Электрон тижоратни амалга оширишда электрон пуллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Электрон пулларни ҳажми ортиб бориши қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи каби мажбурий тўловларни ҳисобга олишни мураккаблаштирамоқда. Ушбу ҳолат турли офшор молия ташкилотларини шаклланиши ва фаоллашувига, шунингдек, солиқ тушумларини солиқ юрисдикциясидан чиқиб кетишига таъсир кўрсатмоқда. Транзакцияларни виртуаллашуви ҳамда рақамли шаклда узатиловчи товарларни салмоғини кўпайиб бориши солиққа тортиш субъектини аниқлаш ва солиққа тортиш жараёнларини назорат қилишни тобора мураккаблаштирамоқда.

Замонавий коммуникация технологиялари ривожланмаган ҳамда электрон тижорат шаклланиш шароитида мазкур соҳа субъектлари тўлайдиган солиқлар катта салмоққа эга эмас. Айнан шундай шароитда, яъни электрон тижорат давлат бюджети шаклланишига катта таъсир этмаган ҳолатда мазкур соҳани солиққа тортишда маълум бир енгиллик бериш ва асосий эътиборни тизимни тартибга келтиришга қаратиш талаб этилмоқда. Ушбу ҳолатда паст даражадаги солиқлар ёки уларни умуман бекор қилиш, фикримизча электрон тижоратни ривожлантиришда, субъектлар ўртасидаги тижорат келишувларни электрон шаклда тузишни кенгроқ қўлланилишида муҳим омил саналиши мумкин. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ҳам электрон тижоратга нисбатан қўлланилаётган солиқ сиёсати, яъни умумбелгиланган тамойиллар асосида солиқларни ундирилишини қайта кўриб чиқиш зарур.

## ХУЛОСА

Юқорида электрон тижорат ва уни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш натижаларига асосланиб қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Электрон тижорат замонавий иқтисодиётнинг истиқболли таркибий қисми сифатида нафақат алоҳида тадбиркорлик субъекти ёки истеъмолчига

ижобий жиҳатлари мавжудлигида, балки ҳозирги кунда давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Электрон тижорат ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига нафақат ижобий таъсир этиши айтилиши вақтда қатор муаммолар юзага келишига омил бўлмоқда. Электрон тижоратнинг айрим жиҳатларини норматив тартибга солиш масалалари ўзининг тўлиқ ечимини топмаган масалалардан ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунда электрон тижоратнинг жадал ривожланаётганлиги унинг субъектларини солиққа тортиш масаласини ҳам ҳал этишни тақозо этмоқда.

2. Давлатнинг электрон тижоратни солиққа тортиш борасидаги сиёсати кўп жиҳатдан мамлакатдаги ахборот технологияларининг ривожланиш даражасига узвий боғлиқ, хусусан, қатор етакчи давлатлар электрон тижоратни солиққа тортишда амалдаги имтиёзли тартибни сақлаб қолиш тарафдори бўлса, қатор давлатлар аксинча электрон тижоратни солиққа тортишдаги бўшлиқларни бартараф қилиш, бюджет ва солиқ манфаатлари нуқтаи назаридан ушбу фаолиятни давлат томонидан мувофиқлаштиришга уриниши кузатилмоқда. Жаҳонда электрон тижоратни солиққа тортишда юзага келган яна бир йўналиш қатор давлатларнинг олиб бораётган сиёсат билан бевосита боғлиқликда ушбу жараёнда ўзи учун мақбул йўлни танлашини келтириб ўтиш мумкин.

3. Электрон тижоратнинг афзалликларини қайд этган ҳолда, аънанавий иқтисодий муносабатлар ўзгариши натижасида солиқ ва божхона қонунчилигида қатор муаммолар, хусусан, амалга оширилган келишувларни назорат қилиш мураккаблашмоқда, электрон тижорат бозори субъектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланган ҳолда ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки суистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунда нафақат солиқ органлари, балки ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини аниқлаш ва тегишли тарзда маъмурий-жиноий жавобгарлик бўйича ваколатли органларнинг назорати ҳам талаб этилмоқда.

4. Солиқ органлари ўз ваколатлари доирасида банк ҳисоб рақамлари ва электрон “ҳамён”ларга эга тижорат субъектларининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар оқимини ва электрон пул ўтказмаларини мониторинг қилишлари, кредит муассасаларидан бундай фаолият бўйича маълумотларни олишлари мумкин. Аммо, бундай фаолиятни расман тадбиркор сифатида эмас, балки ўз электрон “ҳамён”ига эга бўлган шахс сифатида амалга оширса, унда бундай маблағларнинг электрон оқимини солиқ назоратига олиш имконияти чекланиб қолади. Ушбу жараёнда миллий ва хорижий тижорат субъектлари электрон маҳсулотлар ва хизматларни етказиб берувчиларнинг даромадлари бўйича кредит ташкилотларининг мажбуриятларини белгилаш ҳам мақсадга мувофиқ.

5. Электрон тижоратни солиққа тортиш жараёнида солиқ маъмурчилиги муаммоларининг юзага келиш сабабларидан яна бири сифатида икки томонлама ёки кўп томонлама давлатлараро солиқ органлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш тизимининг йўлга қўйилмаганлигидир. Электрон тижорат соҳасида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда солиқ хизматларининг халқаро ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш зарур.

6. Интернет битим ёки яхлит тадбиркорлик даражасида солиққа тортишдан қочишнинг имкониятлари кенг бўлиб, бунинг натижасида электрон тижорат субъектлари учун кўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва бошқа турдаги мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базаси сезиларли камайтирилишига имконият яратилиши электрон тижоратни солиққа тортиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёндашувни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур.

7. Электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш умумбелгиланган тартибда амалга оширилаётган мамлакатимизда электрон тижоратни солиққа тортиш базаси кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилишига ва бюджетнинг даромадлар қисми ижросини таъминламаслигига шароит яратмоқда. Ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини миллий солиққа тортиш моделини ишлаб чиқишда ҳамда солиқ назорати тизимини такомиллаштиришда эътиборга олиш талаб этилади.

8. Электрон тижорат орқали амалга оширилаётган ҳарид учун тўловни фақат нақд пулсиз шаклда ўтказилишини мажбурий шарт сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Ушбу жараёнда мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, хусусан, электрон тижорат хизмати ва товар истеъмолчилари учун онлайн тўловларни амалга оширишнинг қулай механизмлари жорий этиш, электрон тўловлар тизими ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш, тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун замонавий турдаги тўлов тизимлари ва шаклларни таклиф этиш, миллий тўлов тизимларининг хорижий аналоглари билан интеграциясини кучайтириш, жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидан on-line тўловини амалга оширишни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш зарур.

9. Жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортишнинг ҳозирги ҳолати замонавий ахборот технологиялари ва улардан электрон тижоратда фойдаланишни шакллантириш босқичидан ўтган давлатларга хос амалга оширилаётганлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимизда электрон тижоратни янада жадал ривожлантириш, ушбу тармоқда “яширин иқтисодиёт”ни кўламини камайтириш, электрон тижорат субъектларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида тармоқнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда Электрон тижорат иштирокчиларининг Миллий реестрига киритилган субъектларга ягона солиқ тўловини пасайтирилган 2 фоизли ставкасини 1 фоизгача камайтириш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, бунинг натижасида электрон тижоратни амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда қонуний асосларда фаолият кўрсатишига рағбат бўлади ҳамда яқин келажакда мазкур тижорат тармоғини янада жадал ривожланишига омил бўлади ва бюджет даромадларини шакллантиришда сезиларли даромадлар кўпайишига олиб келади.

10. Амалдаги солиқ қонунчилигида электрон тижоратни солиққа тортиш борасида қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида янги тахрирда ишлаб чиқиладиган Солиқ кодексига “электрон хизмат” тушунчаси киритилиши ва унинг мазмун-моҳияти ҳамда аниқ таркиби келтирилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, “Электрон тижорат”, “Электрон пуллар”, “Электрон кармон”, “Рақамли маҳсулотлар” каби тушунчаларни ҳам аниқ таърифлаш, шунингдек электрон тижорат, рақамли маҳсулотлар таркибини ўзида акс эттирган моддаларни Солиқ кодексига киритиш лозим. Ушбу таклиф мазкур соҳада солиққа тортиш объектини аниқлаш имкониятини оширади.

11. Рақамли иқтисодиёт, хусусан, электрон тижоратнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек ушбу тармоқни солиққа тортишнинг мураккаблигини инобатга олиб, Давлат солиқ органлари таркибида замонавий ахборот технологиялари орқали амалга ошириладиган иқтисодий-молиявий операциялар, хусусан, электрон тижорат, рақамли маҳсулотлар билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари мажбурий тўловлар ҳисобини ва улар фаолиятини тизимли мониторингини амалга оширадиган таркибий бўлинмани ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Албатта ушбу борада ахборот-коммуникация воситалари бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш, тегишли воситалар билан жиҳозлаш зарур. Ушбу тадбирни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлиги ушбу тармоқнинг кун-сайин ривожланиб, янги шакл ва усуллар орқали солиқ мажбуриятларидан четлаб ўтиш имкониятларини ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида ушбу жараён давлат бюджети маълум солиқ тушумларига эга бўлмаслигига олиб келади.

12. Солиқ назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида солиқ маданиятининг юқори эмаслиги ёки умуман намоён бўлмаслиги кузатилмоқда. Ҳар бир солиқ тўловчи солиқларни тўлашга қатъий мажбурият сифатида қараши, уни бажарилмаслиги эса салбий оқибатларга олиб келиши бўйича ўз масъулиятини аниқ ҳис этмоғи лозим. Самарали солиқ тизимини ташкил этишнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли солиқ маданиятини ошириш, солиқ тўловчиларнинг менталитетини ўзгартириш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳисобланади. Солиқ тўловчининг жамиятдаги нуфузини ошириш, барча фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш навбатдаги вазифа саналади.

13. Электрон тижорат фаолиятини олиб борувчи тадбиркорлик субъектларини идентификациялаш механизмини яратиш. Халқаро тажриба асосида электрон тижорат фаолиятини олиб борувчи тадбиркорлик субъектларига рақамли махсус идентификация белгисини бериш. Қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритувчилар тўғрисида барча сайтларда рақамли махсус идентификация белгиси мавжуд бўлиши истеъмолчига электрон тижорат субъектининг солиқ органларида қайд қилинганлигини текшириб кўриш имкониятини беради. Бундай тадбиркорлардан товар (иш, хизмат) сотиб олишда давлат истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатли ҳимоясини таъминлайди. Табиийки, тармоқ фойдаланувчилари айнан шундай таниб олиш рақами бўлган тадбиркорлардан ҳарид қилишни афзал кўрадилар. Ушбу тадбир

натижасида ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини юритувчи электрон тижорат субъектларини идентификациялаш механизмини шакллантириш имкониятини юзага келтиради.

Таклифлар ўрнида келтириб ўтиш мумкинки, электрон тижорат ва уни солиққа тортишда мавжуд муаммолар ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тадқиқ этиш орқали мамлакатимизда солиқ тизимидаги ислохотларда инобатга олинса ҳозирда жадал ўсиб бораётган ва сезиларли солиқ потенциалига эга бўлиб бораётган электрон тижоратни келгусида самарали солиққа тортиш механизми қарор топишига омил бўлади ва бюджет даромадларини йўқотишнинг олди олинишига эришилади.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; Part I)**

1. Уразалиев К.Т. Электронная коммерция: эволюция и аспекты налогообложения. // “Молия” журнали.-Тошкент, 2018. №6. Б. 132-141. (08.00.07; №12).

2. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни солиққа тортиш: моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. // “Бизнес-эксперт” журнали.-Тошкент, 2019. №7. Б. 93-96. (08.00.07; №3).

3. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибаси // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.-Тошкент, 2019. №3. (08.00.07; №10).

4. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни солиққа тортиш хусусида // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали.-Тошкент, 2019. №3. (08.00.07; №19).

5. Urazaliyev K.T. E-commerce and taxation aspects in Uzbekistan // Journal of GIS Business. 121-128 page. Vol-14-Issue-3-May-June-2019 ISSN: 1430-3663 (IFS, Impact Factor-7,13) (08.00.07; №12).

6. Уразалиев К.Т. Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортишни такомиллаштириш йўналишлари. // “Молия” журнали.-Тошкент, 2019. №4. Б. 115-122. (08.00.07; №12).

7. Urazaliyev K.T. Improving Taxation E-Commerce in Uzbekistan // International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature (ИМПАКТ : IJRHAL). Paper ID: IJRHALSEP201901. Vol-7-Issue-9-Sep-2019 ISSN (P): 2347–4564; ISSN (E): 2321–8878.

8. Уразалиев К.Т. Направления совершенствования системы налогообложения электронной коммерции в Узбекистане // Проблемы повышения инвестиционной привлекательности хозяйствующих субъектов Узбекистана и Российской Федерации. Роль цифровизации в развитии финансовой системы государства: Международная межвузовская научно-практическая конференция. 2019 год 13 апреля. С.96-99.

9. Уразалиев К.Т. Вопросы налогообложения электронной коммерции в Узбекистане // Проблемы повышения инвестиционной привлекательности хозяйствующих субъектов Узбекистана и Российской Федерации. Роль цифровизации в развитии финансовой системы государства: Международная межвузовская научно-практическая конференция. 2019 год. С.154-157.

10. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни солиққа тортиш муаммолари // Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2019 йил 20 апрель.

11. Уразалиев К.Т. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожланиш истиқболлари. // Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида инновацион тадбиркорлик соҳасидаги долзарб масалалар: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2019 йил 22 апрель.

## **II бўлим (II часть; Part II)**

12. Уразалиев К.Т. Хўжалик субъектларида солиққа тортишни оптималлаштиришнинг айрим жиҳатлари // Иқтисодий модернизация қилиш шароитида солиқларнинг рағбатлантирувчанлик ролини янада ошириш йўллари: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2014 йил 22 февраль.

13. Уразалиев К.Т. Ўзбекистонда электрон тижоратни солиққа тортишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари // Иқтисодий назарияси муаммолари: талқини ва ечимлари: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2018 йил 25 май.

14. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни солиққа тортиш тамойиллари // Фермер хўжаликлари билан минерал ўғит таъминоти корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2018 йил 18 декабр.

15. Уразалиев К.Т. Электрон тижоратни олиб боришда электрон тўловлар тизимининг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, валюта сиёсатини янада либераллаштириш ҳамда электрон хизматларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари: Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси. 2019 йил 28 март.